

RİSALE-İ NUR KÜLLİYATINDAN

ÖZBEKÇE

HASTALAR RİSALESİ

Müellifi: Bediüzzaman Said Nursi

Йигирма бешинчи лемъа

ХАСТАЛАР РИСОЛАСИ

Йигирма беш даводан иборатдир

(Беморларга бир малҳам, бир тасалли, маънавий бир муолажа қатори, шу билан бирга касални зиёрат қилиб, унга шифо тилаш мақсадида ёзилган.)

Эслатма ва илтимос

Бу маънавий муолажа бошқа китобларимиздан кўра тезроқ ёзилганлиги учун,

1 Бу рисола, тўрт ярим соатда ёзилди.

Тўғри, Тўғри, Тўғри, Тўғри,

Рушди Рафъат Ҳусрав Саид

улардан фарқли, диққат билан кўриб
чиқиб тузатишга ҳам вақт

топилмаганидан, жуда тез ёзилгани каби, бир мартагина кўздан кечирилди холос.

Шу боисдан, дастлабки қоралама нусхаси бўйича бетартиб ҳолда қолди.

Қалбга фитрий бир суратда келган эслатмани тузатиб, чиройли қиламан дея бузиб қўймаслик учун қайта ишлов беришни лозим топмадик.

Ўқиган кишилар, айниқса беморлар баъзи ноҳуш иборалар ёки оғир сўзлардан сиқилиб хафа бўлмасинлар, менга ҳам дуо қилсинлар!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمْ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ
رَاجِعُونَ

وَالَّذِي هُوَ يُطْعِمُنِي وَيَسْقِينِ  وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ
يَشْفِينِ

Бу лемъада башариятнинг ўндан бир қисмини ташкил қилган, мушибатли ва бемор инсонларга ҳақиқий бир тасалли, фойдали бир малҳам бўла оладиган йигирма беш давони қисқача тарзда баён қиламиз.

БИРИНЧИ ДАВО

Эй бечора бемор! Хавотир олма, сабр қил.

Касаллигинг сен учун дард эмас, аксинча, бир навъ дармондир.

Чунки умр бир бойликдир, ўтиб кетади. Самара бермаса зое бўлади.

Р о ҳат ва ғафлат билан ўтса, жуда тез ўтади.

Касаллик сенинг бу бойлигингни улкан фойдалар билан самарали қилади.

Умрнинг тез ўтишига йўл бермайди, уни ушлаб туради, узайтиради. Токи меваларини бермагунча ташлаб кетмайди.

Хуллас, умрнинг касаллик билан узун бўлишига ишора қилган ушбу ҳикматли сўз тилларда дostonдир. Яъни: «Мусибат даври жуда узундир, хурсандчилик онлари эса жуда қисқа бўлади».

ИККИНЧИ ДАВО

Эй сабрсиз хаста! Сабр қил, ҳатто шукр қил.

Сенинг бу касаллигинг ҳар дақиқа умрингни бир соатлик ибодатга айлантириши мумкин.

Чунки ибодат икки қисмдир. Бири мусбат ибодат бўлиб, улар намоз, дуо каби маълум ибодатлардир.

Иккинчиси манфий ибодат бўлиб, касалликлар, мусибатлар орқали мусибатли киши ўзининг ожизлигини, заифлигини ҳис қилади.

Холиқи Раҳимига илтижо қилиб, ёлворади.

Холис, риёсиз маънавий ибодатга эришади.

Ҳа, касаллик билан ўтказилган умр,
Аллоҳга шикоят қилма с л и к
шарти билан, мўмин учун ибодат
бўлиб ҳисобланиши ҳақида саҳиҳ
ривоятлар бор.

Ҳатто баъзи сабрли ва сершукр
беморларнинг бир дақиқалик оғриши
бир соат, комил инсонларники эса
бир кунлик ибодат ўрнига ўтиши
авлиёларнинг ҳақ-рост кашфиётлари
билан ҳам ис б о т л а н г а н д
и р .

Сенинг бир дақиқа умрингни минг
дақиқага айлантириб, сени узун
умрга эриштирадиган касалликдан
шикоят эмас, шукр қил.

У Ч И Н Ч И Д А В О

Эй чидамсиз бемор!

Инсон бу дунёга хурсандчилик ва лаззат олиш учун келмаганига далил шуки, тинимсиз равишда келувчиларнинг кетиши, ёшларнинг кексайиши, фироқ ва ажралишларга дуч келишидир.

Инсон жонзотларнинг энг мукаммали, энг юксаги ва аъзол а р жиҳатидан энг бойи, ҳатто жонзотларнинг султони бўла туриб, ўтмиш лаззатларни ва келажак балоларни ўйлаш туфайли ҳайвонга нисбатан энг паст даражада, фақат қайғули, машаққатли бир ҳаёт кечиради.

Демак, инсон бу дунёга фақат яхши яшаш, роҳат ва хурсандчилик билан умр кечириш учунгина келмаган.

Аксинча, қўлида улкан бойлиги бўлган инсон бу дунёга абадий, доимий ҳаётнинг саодатини қўлга киритиш учун келган. Унинг қўлига берилган бойлик эса, умрдир.

Агар касаллик бўлмаса, саломатлик ва соғлик ғафлат беради, дунёни ёқимли қилиб кўрсатади, охиратни унуттиради.

Қабрни ва ўлимни хотирлашни истамайди... Умр бойлигини ҳавога совуриб, беҳуда сарф қилади.

Касаллик эса дарҳол унинг кўзини очтиради.

Вужудига қ а р а т а айтадики:
«Ўлмайдиган эмассан, бебош ҳам эмассан, бир вазифанг бор.

Ғурурни ташла, сени яратган зотни ўйла, қабрга киришингни бил, шунга яраша тайёргарлик кўр!» дейди.

Хуллас, касаллик бу нуқтаи назардан ҳеч алдамайдиган бир насиҳатчи ва танбеҳ берувчи йўлбошчидир.

Ундан шикоят эмас, аксинча, бу жиҳатда унга миннатдорчилик билдириш керак. Агар ортиқча оғирлик қилаётган бўлса, сабр-тоқат сўраш керак.

Т Ұ Р Т И Н Ч И Д А В О

Эй шикоятчи хаста!

Сенинг ҳаққинг шикоят эмас, шукр ва сабр қилишлиқдир.

Чунки вужудинг ва аъзоларинг ўз мулкинг эмас.

Уларни сен ясамагансан, бирор жойдан сотиб ҳам олмагансан.

Демак, бошқа бировнинг мулкидир.

Уларнинг эгаси ўз мулкани ўзи х о ҳлаганидек тасарруф қила олади.

Йигирма олтинчи сўзда айтилганидек, Масалан, ниҳоятда бой, ниҳоятда моҳир бир санъаткор

гўзал санъатини, сарватини намойиш этиш учун бир фақир одамни маълум бир ҳақ эвазига моделликка ёллаб, келишилган муддат ичида безакли, ниҳоятда маҳорат билан тиккан кўйлагини унга кийдиради.

Унинг устида ишлайди ва ҳар хил вазиятга солади. Ғаройиб санъатининг турларини кўрсатиш учун кесади, алмаштиради, узайтиради, қисқартиради...

А ж а б о , пулга ёлланган шу мискин одам у зотга: «Менга заҳмат беряпсан, ҳадеб эгилтириб-турғизавериб мени қийнаб юбординг. Бу кўйлак менга ярашган эди, уни кесиб-қисқартириш билан

гўзаллигимни бузясан», дейишга
ҳаққи борми?

«Марҳаматсизлик, инсофсизлик қилд
и н г », дея оладими?

Худди мана шу мисол сингари, эй
бемор, уста, чевар бўлган Зот (Сонеъи
Зулжалол) сенга кўз, қулоқ, ақл, қалб
каби нурли туйғулар билан безаб
кийдирган жисм кўйлагини гўзал
исмларининг нақшларини намойиш
этиш учун ҳар хил ҳолатларга солиб,
сени айлантиради ва турли
вазиятларда ўзгартиради.

Сен очлик туфайли унинг ризқ
бергувчи Раззоқ исмини таниганинг
каби, шифо бергувчи Шофий исмини
касаллигинг орқали бил.

Аламлар, мусибатлар айрим
исмларининг ҳукмларини
кўрсатганлари учун уларда ҳикматдан
ёғдулар ва раҳматдан шуълалар бор.
Бу шуълалар ичида кўплаган
гўзалликлар бўлади. #10

А г а р парда очилса, сен қўрққан
ва нафратланган ўша касаллик
пардаси ортида ёқимли, гўзал
маъноларни топасан.

БЕШИНЧИ ДАВО

Эй дардга мубтало бемор!

Бу замонда тажрибам билан қаноат
ҳосил қилганманки, касаллик
баъзиларга Илоҳий бир эҳсон,
Раҳмоний бир ҳадяди р .

Сўнги саккиз-тўққиз йил ичида дуо беришга лойиқ бўлмасам ҳам, баъзи ёшлар касаллиги туфайли олдимга дуо сўраб келдилар.

Шуниси диққатимни тортдики, қайси касалманд ўсмир билан кўришмайин, бошқа ёшлардан фарқли ўлароқ охиратини ўйлай бошлабди.

Ёшлик мас т л и г и йўқ. Ғафлат ичидаги ҳайвоний ҳаваслардан бир даража уни қутқарган.

Мен ҳам уларнинг чидаса бўладиган бу касалликлари Илоҳий бир эҳсон эканини уларга эслатиб,

Айтардим: «Биродарим, сенинг бу касаллигингга қарши эмасман.

Хасталигинг учун сенга раҳмим келиб ачинмаяпманки, дуо қилай.

Хасталик сени батамом уйғотгунгача сабр қилишга интил. Касаллик ўз вазифасини битиргандан сўнг Холиқи Раҳим, иншааллоҳ шифо беради».

Яна шуни ҳам айтардимки: «Сенинг айрим тенгдошларинг саломатлик балоси туфайли ғафлатда қолиб, намозни ташлаб, қабрни ўйламай, Аллоҳни унутиб,

дунё ҳаётининг бир соатлик юзаки лаззати учун чексиз бўлган абадий ҳаётини бузмоқда, ҳатто хароб қилмоқда.

Сен касаллик кўзи билан нима бўлган тақдирда ҳам борадиган жойинг бўлмиш қабрингни, унинг орқасидаги

охират диёрларини кўр-моқдасан ва шунга кўра ҳаракат қилмоқдасан.

Демак, сен учун касаллик соғлиқдир, баъзи тенгдошларингдаги соғлиқ эса, касалликдир».

ОЛТИНЧИ ДАВО

Эй аламдан шикоят қилаётган хаста!

Сендан сўрайман, ўтган умрингни ўйла, унда ўтган лаззатли, хурсандчилик кунларингни, қайғули ва аламли дамларингни эсла.

Албатта, ё оҳ ёки эҳ дейсан. Яъни, қалбинг ва тилинг ё «Алҳамдулиллаҳ, шукр!» дейди, ёки «Эҳ аттанг, афсус!» дейди.

Диққат қил, сенга «Оҳ, алҳамдулиллаҳ, шукр!» дегизган

нарса бошингдан ўтган аламлар ва мусибатларни ўйлашдир. Булар бир маънавий лаззатни қўзғайдики, сенинг қалбинг шукр қилади.

Чунки аламнинг йўқолиши лаззатдир.

У аламлар, у мусибатлар йўқолиши билан руҳда бир лаззатли мерос қолдирганки, уни эслаб тешилса, руҳдан лаззатли шукрлар томчилаб чиқади.

Сенга «Эҳ аттанг, афсус» дегизган нарса эса бир вақтлар кечирган шундай лаззатли ва қувончли ҳолларингдирки, йўқолишлари билан сенинг руҳингда доимий бир алам қолдириб,

қачон ўйласанг, у алам яна қўзғалиб, надомат ва ҳасрат сувини оқизади.

Модомики бир кунлик ношаръий
лаззат баъзан бир йиллик маънавий
алам чектирар экан,

ва вақтинча бўлган бир кунлик
касаллик туфайли келган алам кўп
кунлик маънавий лаззатни, яъни
савобни берар экан, касалликнинг
кетишидан ҳосил бўлувчи маънавий
лаззатни ҳам берар экан,

демак, бошингдаги хозирча бу
вақтинчалик касалликнинг савобли
натijasини ўйлаб,

«Бу ҳам ўтиб кетар!» дея, шикоят
ўрнига шукр қил.

ОЛТИНЧИ ДАВО

2 Фитрий суратда бу ламъа хотирага келгани учун, олтинчи мартабада икки даво ёзилган. Фитрийлигига аралашмаслик учун шундай қолдирдик, балки бир сир бордир деб ўзгартирмадик.

Эй дунё завқини ўйлаб, касалликдан изтироб чекаётган биродарим!

Бу дунё агар доимий бўлсайди;

Ўйлимизда ўлим бўлмасайди;

Ажралиш ва йўқотиш шамоллари эсмасайди;

Мусибатли, тўфонли келажақда маънавий қиш фасллари бўлмасайди, мен ҳам сен билан бирга сенинг ҳолингга ачинган бўлардим.

Аммо, модомики бир кун келиб дунё бизга: «Қани, ташқарига чиқ!» деб фарёдимишни тингламас экан, у бизни ташқарига қувмасдан аввал биз бу касаллик танбеҳи орқали ҳозирданоқ унинг ишқидан воз кечишимиз керак.

У бизни тарк этмасдан аввал қалбан уни тарк этишга интилноғимиз даркор.

Ҳа, касаллик бу маънони бизга хотирлатиб айтадики: «Сенинг вужудинг тошдан, темирдан эмас. Аксинча, доимо парчаланишга мойил хилма-хил моддалардан таркиб топган.

Шунинг учун ғурурни ташла, ожизлигингни тан ол, Эгангни тани, вазифангни ва дунёга нима учун

келганингни бил», дея қалб қулоғига
яширин шивирламоқда.

Яна модомики дунёнинг лаззати,
завқи давомли эмас экан,

хусусан ҳалол бўлмаса, ҳам
давомсиз, ҳам аламли, ҳам гуноҳли
экан,

у завқни йўқотганинга касалликни
баҳона қилиб йиғлама.

Аксинча, касалликдаги маънавий
ибодат ва охиратга оид савоб
жиҳатини ўйлаб, ундан завқ олишга
интил.

ЕТТИНЧИ ДАВО

Эй соғлиғининг лаззатини йўқотган бемор!

Сенинг касаллигинг соғлиқдаги Илоҳий неъматнинг лаззатини қочирмайди, аксинча, тоттиради, зиёдалаштиради.

Чунки бир нарса давомли бўлса, таъсирини йўқотади. Ҳатто ҳақиқат аҳли бир овоздан айтадики:

إِنَّمَا الْأَشْيَاءُ تُعْرَفُ بِأَضْدَادِهَا

Яъни, «Ҳар нарса зидди билан билинади».

Масалан, қоронғулик бўлмаса, ёруғлик билинмайди, лаззатсиз қолади.

Совуқ бұлмаса, җарорат
англашилмайди, завқсиз қолади.

Очлик бұлмаса, таом лаззат
бермайди.

Меъда иссиқлиги бұлмаса, сув ичиш
маза бермайди.

Дард бұлмаса, саломатлик
завқсиздир.

Касаллик бұлмаса, соғлиқ
лаззатсиздир.

М о д о м и к и , Фотири Ҳаким
инсонга турли хил эҳсонини
билдиришни, җар бир неъматини
тоттиришни ва инсонни доимо шукрга
ташвиқ қилишни истаётганини бу
коинотда хилма-хил, беҳисоб неъмат
турларини тотадиган, танийдиган

даражада ниҳоятда кўп аъзолар
билан инсонни жиҳозлагани
кўрсатаётган экан,

албатта соғлиқ-саломатликни
бергани каби, касалликларни,
иллатларни, дардларни ҳам беради.

Сендан сўрайман: «Бу касаллик
бошингда, ё қўлингда, ёки
ошқозонингда бўлмасайди, сендаги
бу аъзоларнинг соғ пайтидаги
Аллоҳнинг лазза т л и , завқли
неъматини ҳис этиб, шукр
қилармидинг?»

Албатта, шукр қилиш у ёқда турсин,
ҳатто ўйламас эдинг,

Ўзинг билмаган ҳолда бу соғлиқни
ғафлатга, балки гуноҳларга сарфлаган
бўлардинг.

САККИЗИНЧИ ДАВО

Эй охиратини ўйлаётган хаста!

Касаллик совун каби гуноҳларнинг
кирларини ювиб тозалайди.

Касалликлар гуноҳларга каффорат
экани саҳиҳ ҳадислар билан
исботлангандир.

Ҳадисда борки: «Меваси пишган
дарахтни силкитганда мевалари
қандай тўкилса, и й м о н л и бир
беморнинг титраши ҳам худди
шундай гуноҳ-ларни тўкади».

Гуноҳлар абадий ҳаётда доимий
касалликлардир, бу дунё ҳаётида эса

қалб, виждон ва руҳ учун маънавий хасталиклардир.

Сен агар сабр қилиб шикоят қилмасанг, ушбу вақтинчалик бир касаллик эваз и г а жуда кўп доимий касалликлардан қутуласан.

Агар гуноҳ қилишдан қўрқмасанг, охиратни билмасанг, ёки Аллоҳни танимасанг, сенда шундай даҳшатли бир касаллик борки, сендаги бу кичик касалликдан миллион марта каттароқдир.

Ў ш а н д а н фарёд қил. Чунки қалбинг, руҳинг ва нафсинг дунёнинг барча мавжудоти билан алоқадордир.

Давомли тарзда бўлаётган ажралиш ва йўқотишлар орқали ўша алоқа кесилиб, сенда чексиз яралар очилади.

Хусусан, охиратни билмаганинг ва ўлимни абадий йўқлик деб ўйлаганинг учун гўё яра-чақа босган, дунёчалик катта ҳаста бир вужудинг бор.

Демак энг аввал ҳадсиз яралари бор ва ҳаста бу буюк маънавий вужудинг ҳадсиз ҳасталикларга қатъий дори ва қатъий шифо берадиган оби ҳаёт бўлган имон дорисини излаш ва эътиқодини т у з а т и ш керакки,

у дорини топишда энг қисқа йўл – моддий касаллик йиртган ғафлат

пардаси ортида сенга ожизлигинг ва заифлигинг орқали ўзини кўрсатаёган Қодири Зулжалолнинг қудрати ва раҳматини танимоқдир.

Ҳа, Аллоҳни танимаганнинг бошида дунё тўла бало бор.

Аллоҳни таниганнинг дунёси нур ва маънавий қувонч билан тўладир.

Ҳар ким даражасига кўра иймон қуввати билан ҳис этади.

Бу иймондан келган маънавий қувонч, шифо ва лаззат остида қисман моддий касалликларнинг алами эриб, эзилиб кетади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАВО

Эй Холиқини таниган бемор!

Касалликлардаги қайғу ва қўрқинч касаллик баъзан ўлимга сабаб бўлгани учундир.

Ўлим ғафлат назарида ва кўринишидан даҳшатли бўлгани учун, унга сабабчи бўлиши мумкин бўлган касалликлар инсонни қўрқитиб, ташвишга солади.

Аввало, бил ва қатъий иймон келтирки: Ажал тақдир қилингандир, ўзгармайди.

Оғир беморларнинг бошида туриб йиғлаган қанча соғлом кишилар

вафот этган, у оғир беморлар эса соғайиб, яшаб кетганлар.

Иккинчидан, ўлим кўринганидек даҳшатли эмас.

Кўп рисодаларда ниҳоятда қатъий, шак-шубҳасиз бир тарзда Қуръони Ҳаким берган нур билан исбот этганмизки:

Иймон аҳли учун ўлим ҳаёт вазифаси юкидан озод этилишдир.

Ҳам дунё майдонидаги имтиҳонда таълим ва таълимот бўлган ибодатларни тугатишдир.

Нариги дунёга кетган юздан тўқсон тўққиз дўст ва яқинларига қовушмоқ учун бир воситадир.

Ҳақиқий ватанига ва абадий саодат маконига кириш учун бир воситадир.

Дунё зиндонидан жаннатлар бўстонига бир даъватдир.

Холиқи Раҳиймнинг фазлидан ўз хизмати эвазига ҳақ олиш учун бир навбат кутишдир.

Модомики ўлимнинг моҳияти ҳақиқат нуқтасида бундай экан, унга даҳшат билан эмас, аксинча, раҳмат ва саодатнинг бошланиши деб қараш керак.

Аллоҳнинг дўстларидан бир қисмининг ўлимдан қўрқишлари ўлимнинг даҳшатидан эмас.

Балки янада кўпроқ яхшилик қиламан дея ҳаёт вазифасининг

давом этишидан эришадиган солиҳ амаллари учундир.

Ҳа, иймон аҳли учун ўлим раҳмат эшигидир,

залолат аҳли учун абадий зулматлар қудуғидир.

ЎНИНЧИ ДАВО

Эй беҳуда ташвиш чекаётган хаста!

Сен касалликнинг оғирлигидан хавотирдасан. Бу хавотир дардингни оғирлаштиради.

Касаллигинг енгиллашини хоҳласанг, хавотир олмасликка урин.

Яъни, касалликнинг фойдаларини, савобини ва тез ўтишини ўйла,

хавотирни қўй, касалликнинг томирини кес.

Ҳа, хавотир касалликни икки баробар кучайтиради. Моддий касаллик соясида қалбингга маънавий бир касаллик беради.

Моддий касаллик унга таяниб, давом этади. Агар розилик ва касалликнинг ҳикматини ўйлаш билан ўша хавотир кетса, моддий касалликнинг муҳим бир илдизи кесилади, енгиллашади, қисман кетади.

Хусусан бир дирҳам моддий касаллик баъзан ваҳима билан хавотирланса ўн дирҳамчалик катталашади.

Хавотир тугаши билан, хасталикнинг ўндан тўққизи кетади.

Хавотир касалликни
зиёдалаштирганидек, Аллоҳнинг
ҳикматини тухмат, раҳматини танқид
қилиш ва Холиқи Раҳимдан
шикоятланиш

бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам
мақсадининг акси бўлиб, таъзирини
ейди, касаллиги кучаяди.

Ҳа, шукр неъматни
зиёдалаштирганидек, шикоят
касалликни, мусибатни кучайтиради.

Бунинг устига хавотирнинг ўзи ҳам
бир касалликдир. Унинг чораси
касалликнинг ҳикматини
билмоқликдир.

Модомики ҳикматини, фойдасини
билдинг, у малҳамни хавотирга сурт,
қутул.

«Вой» ўрнига «Оҳ» де, «Эҳ афсус!» ўрнига «Алҳамдулиллаҳи ала кулли ҳал – ҳар қандай ҳолатим учун Аллоҳга ҳамд бўлсин!» дегин. ЎН

БИРИНЧИ ДАВО

Эй сабрсиз бемор биродар!

Касаллик ҳозир сенга алам бериши билан бирга, оғриб қолган илк кунингдан бугунгача у касалликнинг йўқолишидаги маънавий бир лаззат ва савобидаги руҳий бир лаззатни ҳам беради.

Бугундан, балки бу соатдан эътиборан энди касаллик йўқ. Албатта, йўқдан алам йўқ.

Алам бўлмаса изтироб ҳам бўлмайди.

Сен янглиш бир тарзда ваҳима қилаётганинг учун сабрсизлик қилмоқдасан.

Чунки бугунгача бўлган бутун касаллик пайтининг моддий томони кетиши билан бирга алами ҳам кетган, ўзидан савоб ва заволидан лаззат қолдирган.

Сенга фойда ва қувонч бериши лозим бўла туриб, уларни ўйлаб алам чекмоқ ва сабрсизлик қилмоқ девоналиқдир.

Келажак кунлар ҳали келмай туриб, уларни ҳозирдан ўйлаб, ҳали йўқ бир кунда, ҳали йўқ бир касалликдан, ҳали йўқ бир аламни олдиндан ўйлаб

алам чекиш, сабрсизлик кўрсатиб,
учта йўқ нарсага вужуд рангини
бериш девоналик бўлмай нима?

Модомики, хозирдан аввалги
касаллик пайтлари қувонч бермоқда
экан,

ва модомики келажак маълум эмас,
касаллик маълум эмас, алам йўқ экан,
сен Жаноби Ҳақнинг сенга берган
бутун сабр қувватини бундай ўнгу
сўлга тарқатма, ҳозирги нақд бўлган
аламга қарат, «Ё Сабур!» деб чида! ЎН

ИККИНЧИ ДАВО

**Эй касаллик туфайли ибодат ва
зикрларини қилолмай қолган ва бу
махрумиятдан афсусланаётган
хаста!**

Билгинки, тақводор бир мўмин касаллик туфайли қилолмай қолган доимий зикрининг савобини оғриган вақтида ҳам қозониши ҳадисда келган.

Агар бир бемор фарзларни имкон қадар сабр ва таваккал билан адо этса, ўша оғриб ётган вақтидаги бошқа суннатларнинг ўрнини касаллик холис бир кўринишда тўлдиради.

Ҳам касаллик инсонга ожизлигини, заифлигини ҳис эттиради.

Унга ўзининг ожиз ва заиф ҳолатининг тили билан бир дуо қилдиради.

Жаноби Ҳақ инсонга чексиз бир ожизлик ва заифлик берган,

токи доимо Аллоҳнинг даргоҳига
илтижо қилиб ёлворсин, дуо қилсин.

قُلْ مَا يَعْبُورُا بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ

Яъни, «Агар д у о и н г и з
бўлмаса, нима аҳамиятингиз бор?»
оятининг сирига кўра

инсоннинг яратилиш ҳикмати ва
қийматининг асоси бўлган дуо ва
илтижога сабаб,

касаллик бўлгани учун, бу нуқтаи
назардан шикоят эмас, Аллоҳга шукр
қилиш, саломатликка эришганда
касаллик очган ду о чашмасини
беркитмаслик керак.

Ў Н УЧИНЧИ ДАВО

Эй касалликдан шикоят этувчи бечора одам!

Касаллик баъзилар учун муҳим бир хазинадир, ниҳоятда қиммат Илоҳий бир ҳадядир.

Ҳар бир бемор ўз касаллигини шундай деб тасаввур қилиши мумкин.

Модомики ажал вақти муайян эмас,
Жаноби Ҳақ инсонни тўл и қ
умидсизлик ва ғафлатдан қутқариш
учун хавф ва умид ўртасида, дунё ва

охират ишини мувозанатда тутиб туриш учун ҳикмати билан ажални яшириб қўйган.

Модомики ажал ҳар сонияда келиши мумкин, агар инсонни ғафлат босганда келса абадий ҳаётига кўп зарар бериш и мумкин.

Касаллик ғафлатни аритади, охиратни эслатади, ўлимни ёдга солади, инсон шунга кўра ҳозирланади.

Баъзан шундай бир фойдаси бўладики, йигирма йилда эришолмаган бир мартабага йигирма кунда эришади.

Ж у м л а д а н , дўстларимиздан
(Аллоҳ раҳмат қилсин!) икки йигит
бор эди.

Бири Иламалик Сабри, бошқаси
Исломқўйлик Вазирзода Мустафо.

Булар иккилалари, ёзишни
билмасалар ҳам, самимиятда ва
иймон хизматида талабаларим ичида
энг олдинги сафда туришларини
хайрат бил а н кузатардим.

Ҳикматини бил-масдим.
Вафотларидан сўнг англадимки, ҳар
иккисида ҳам жиддий бир касаллик
бор экан.

Ўша касаллик туфайли бошқа ғофил,
фарзларни тарк этган ёшлардек
бўлмай, жуда тақводор ҳолда энг

қийматдор бир хизматда ва охиратга
фойдали би р вазиятда бўлдилар.

Иншааллоҳ, икки йиллик касаллик
заҳмати абадий ҳаётнинг миллион
йиллик саодатига сабаб бўлди.

Ҳозир англаяпманки, мен уларнинг
соғлиғи учун қилган баъзи дуоларим
дунё эътибори билан баддуо бўлган.

Иншааллоҳ, у дуоим охират соғлиғи
учун қабул бўлибди.

Х у л л а с , эътиқодимча, бу икки
зот икки йил ичида тақво билан ўн
йилда қўлга киритиладиган
ютуқчалик савоб топдилар.

Агар иккови, баъзи бир ёшлар каби
соғлиқ ва ёшлигига ишониб, ғафлат ва
бузуқиликка берилсайдилар, ўлим

ҳам уларни пойлаб, айни
гуноҳларнинг ифлосликла
ри ичида ёқасидан олсайди, бу
нурлар хазинаси ўрнига қабрларини
чаёнлар ва илонлар уясига
айлантирган бўлардилар.

Модомики касалликларнинг бундай
фойдаси бор экан, ундан шикоят
эмас, таваккал ва сабр, балки шукр
қилиб, Аллоҳнинг раҳматига таяниш
к е р а к .

ЎН ТЎРТИНЧИ ДАВО

Эй кўзига парда тушган бемор!

Агар иймонли кишининг кўзига
тушган парданинг ортида порлоқ нур
ва маънавий кўз борлигини

билганингда эди, «Худога минг қатла шукр!» деб айтган бўлардинг.

Бу малҳамни изоҳлаш учун бир воқеани сўзлаб берайин.

Менга саккиз йил тўлиқ садоқат билан ҳеч ранжитмай хизмат қилган қишлоқлик бир талабам бор эди. Бир куни унинг аммасининг кўзи кўрмай қолди.

У солиҳа аёл мен ҳақимда ҳаддан ташқари кўп яхши гумон қилиб, «Кўзимнинг очилиши учун дуо қил!» дея масжид олдида мени тўхтатди.

Мен ҳам у муборак ва диндор аёлнинг солиҳалигини дуоимга қўшиб, «Эй Парвардигор, унинг солиҳлиги ҳурматидан кўзини очгин!» деб ёлвордим.

Эртаси кунни шаҳардан бир кўз дўхтири келиб кўргандан кейин кўзи очилди. Қирқ кундан кейин кўзи яна кўрмай қолди.

Мен жуда таъсирландим, кўп дуо қилдим. Иншааллоҳ, бу дуо охирати учун қабул бўлди.

Йўқса, менинг дуоим унга ниҳоятда янглиш бир дуоибад бўларди.

Чунки ажалига қирқ кун қолган эди. Қирқ кундан сўнг, Аллоҳ раҳмат қилсин, вафот этди.

Хуллас, у марҳума қирқ кун қишлоқнинг маҳзун боғларини кексаликнинг маъюс кўзи билан кўролмади, аммо бунинг эвазига қабрида жаннат боғларини қирқ минг кунларда сайр этишни қозонди.

Чунки иймони кучли, амали зиёда эди.

Ҳа, бир мўминнинг кўзига парда тушиб, кўзи кўр ҳолда қабрга кирса, даражасига қараб, қабрдагилардан кўра кўпроқ ўша нурли оламни томоша қила олади.

Бу дунёда кўп нарсаларни биз кўриб, кўр бўлган мўминлар кўрмаганидек, қабрда ётган кўзи ожизлар, иймон билан кетган бўлса, ўшанга яраша қабр аҳлидан зиёда кўрадилар.

Энг узоқни кўрсатадиган дурбинлар билан қарагандек, қабрида жаннат боғларини кино каби кўриб томоша этадилар.

Хуллас, тупроқ остида туриб ҳам,
кўкларнинг устидаги жаннатни кўриб,
уни томоша қила оладиган бир кўзни
кўзингга тушган бу парда туфайли
шукр ва сабр қилишлик билан
топишинг мумкин.

Кўзингдаги пардани олиб ташлаб,
ўша кўз билан қаратадиган табиб – бу
Қуръони Ҳакимдир.

ЎН БЕШИНЧИ ДАВО

Эй оҳу фиғон чекаётган хаста!

Касалликнинг ташқи кўринишига
қараб «эҳ!» дема, маъносига қараб
«оҳ!» дегин.

Агар касалликнинг маъноси гўзал
бўлмаганида,

Холиқи Раҳим энг севган бандасига касалликни бермас эди. Ҳолбуки, саҳиҳ ҳадисда борки:

أَشَدُّ النَّاسِ بَلَاءً الْأَنْبِيَاءُ ثُمَّ الْأَوْلِيَاءُ، ثُمَّ الْأَمْثَلُ
فَالْأَمْثَلُ

(ав кама қол) Яъни, «Мусибат ва машаққатга энг кўп гирифтор бўлганлар инсонларнинг энг яхшилари, энг комилларидир».

Бошда ҳазрати Айюб алайҳиссалом, анбиёлар, с ў н г р а авлиёлар ва солиҳ кишилар тортган ҳар бир азобига биттадан холис ибодат ва Раҳмоний совға назари билан қараб, сабр ичида шукр қилганлар,

Х о л и қи Раҳимнинг раҳматидан келган бир жарроҳлик амалиёти деб билганлар.

Сен, эй оҳу фиғон чекаётган бемор! Бу нурли жамоатга қўшилишни истасанг, сабр ичида шукр қил.

Агар шикоят қилсанг, улар сени ўз жамоатларига қўшмайдилар.

Ғафлат аҳлининг жарликларига т у ш и б , қоронғи бир йўлда кетасан.

Ҳа, касалликларнинг шундай бир тури борки, агар охири ўлим билан якунланса, маънавий шаҳид ҳисобланиб, шаҳидлик каби авлиёлик даражасига ҳам эришишга сабаб бўлади.

Жумладан, бола туғишдан келган касалликлар,

3 Бу хасталикни и н г маънавий шаҳидликка эриштириши нифос даври бўлган қирқ кунга қадардир.

қорин санчиғидан, чўкиб, ёниб ёки вабо билан вафот этган одамлар маънавий шаҳид бўлганидек,

к ў п л а б муборак касалликлар борки, ўлим орқали авлиёлик даражасига эриштиради.

Касаллик дунёга ошиқларча боғланиб қолишни сусайтирганидан, ғофиллар учун ниҳоятда аламли ва аччиқ бўлган дунёдан ажралишни ўлим билан енгиллаштиради, баъзан эса севдиради.

ЎН ОЛТИНЧИ ДАВО

Эй қийинчиликдан шикоят этаётган бемор!

Касаллик инсонларнинг ижтимоий ҳаётида энг муҳим ва ниҳоятда чиройли бўлган ҳурмат-эҳтиромни юзага чиқаради.

Чунки инсонни кимсасизлик ва марҳаматсизликка йўлиқ-тиргувчи кўнгилтўқликдан қутқаради.

Чунки,

إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَافٍ ﴿١٠٠﴾ أَنْ رَأَاهُ اسْتَعْنَى

“Шубҳасиз, инсон ўзини бой, беҳожат кўрганида, албатта, туғёнга тушар, хаддидан ошар)” ояти сирига кўра сиҳат ва хотиржамликдан келган

беғамликка ботган нафси аммора
хурматга лойиқ бўлган кўп
қардошликка хурматни ҳис
қилмайди,

м е ҳр-шафқатга лойиқ бўлган
мушибатлиларга ва беморларга
ачинмайди.

Қачонки ҳаста бўлса, ўшандагина
ожизлигини ва фақирлигини англаб,
хурматга лойиқ бўлган дўстларига
эҳтиром кўрсатади.

Кўргани келган ёки унга ёрдам
берган мўмин биродарларига
нисбатан хурматни ҳис қилади.

Ҳамжинсига ачинишдан пайдо
бўлувчи инсоний шафқат ва энг
муҳим бир Исломий ҳислатни, яъни,

мусибатлиларга нисбатан марҳамат
қилиш туйғуларини ҳис этиб,

уларни ўз нафсига қиёслаб, уларга
тўлиқ маънода ачиниб, меҳр
кўрсатади,

қўлидан келса ёр д а м беради. Ҳеч
бўлмаса дуо қилади, ҳеч бўлмаса
ҳолини сўраш учун кўргани боради,
суннатни бажариб савоб қозонади.

Ў Н ЕТТИНЧИ ДАВО

**Эй касаллик туфайли яхшиликлар
қила олмаганидан шикоят этаётган
хаста!**

Касаллик сенга хайрли ишларнинг
энг холис эшигини очгани учун шукр
қил.

Касаллик беморнинг ўзига ва Аллоҳ розилиги учун унга қараётганларга давомли савоб кел-тиришидан т а ш қари, дуонинг ижобат бўлиши учун ҳам энг муҳим бир василадир.

Ҳа, беморларга қарашнинг иймонлилар учун кўп муҳим бор.

Беморларнинг ҳолини сўраш, фақат беморни қийнамаслик шарти билан, зиёрат қилиш суннати саниядир, каффоратуз зунуб (гуноҳларнинг кечирилиши) бўлади.

Ҳадисда борки: «Беморларнинг дуосини олинглар, уларнинг дуоси мақбулдир».

Х у с у с а н , бемор ўзининг қариндошларидан бўлса, айниқса

ота-онаси бўлса, уларга хизмат қилиш муҳим бир ибодатдир, муҳим бир савобдир.

Беморларнинг қалбини хушнуд этиш, тасалли бериш муҳим бир садақа ҳисобланади.

Ота-онаси оғриб қолган чоғларида уларнинг ниҳо я т д а таъсирчан қалбларини мамнун этиб, хайрли дуоларини олган фарзанд қандай бахтиёрдир!

Ҳа, ижтимоий ҳаётда энг муҳтарам бир ҳақиқат ота-онанинг меҳрибончилигига жавобан оғриган чоғларида уларга тўлиқ ҳурмат ва болаларча меҳр билан муомала қилишдир. Бунда й муомала қилган

одобли фарзанднинг ҳолатини ва инсониятнинг юксаклигини намоён этгувчи бундай садоқатли кўринишни ҳатто фаришталар ҳам «Машааллоҳ, Бааракаллоҳ» деб олқишлайдилар.

Ҳа, оғриган пайтида касаллик аламини йўққа чиқарадиган ниҳоятда ёқимли ва се в и н ч л и лаззатлар бор. Бу лаззат унга кўрсатилаётган меҳр-шафқатлардан, ачиниш ва марҳаматлардан ҳосил бўлади.

Б е м о р дуосининг ижобат бўлиши аҳамиятли бир масаладир.

Мен ўттиз-қирқ йилдан бери қулунч (танадаги санчиқ) касаллигимдан шифо тилаб дуо қилардим.

Мен англадимки, касаллик дуо учун берилган.

Дуо эса дуони кетказмайди, яъни, дуо ўзини ўзи бекор қилмайди. Шун

д а н англадимки, дуонинг
натижаси ухровийдир

4 Ҳа, айрим хасталиклар дуонинг вужудга келишига сабаб экан, дуо касалликнинг йўқолишига сабаб бўладиган бўлса, дуонинг вужудга келиши ўзининг йўқолишига сабаб бўлади, бунинг эса бўлиши мумкин эмас.

Ўзи ҳам бир т у р л и ибодатдир. Зеро, инсон касаллик туфайли ожизлигини англаб, Аллоҳнинг даргоҳига илтижо қилади.

Шу сабабли ўттиз йилдан бери шифо сўраб дуо қилганимга қарамай, дуоим зоҳиран қабул бўлмаганлиги учун қалбимга дуони тарк этиш келмади.

Зеро, касаллик дуонинг вақтидир, шифо дуонинг натижаси эмас.

Балки Жаноби Ҳакими Раҳим шифо берса, фазлидан беради.

Дуо исталган тарзда қабул бўлмаса, ижобат бўлмади, дейилмайди.

Холиқи Ҳаким яхшироқ билади, манфаатимизга хайрли нима бўлса ўшани беради.

Баъзан дунёга оид дуоларимизни, манфаатимиз учун охиратимизга олиб қўяди, бу шаклда қабул қилади.

Майли... Хасталик сирри билан холисликка етган, хусусан заифлик, ожизлик, ночорлик ва муҳтожликда қилинган дуонинг ижобат бўлиши кўпроқдир.

Касаллик шундай холис бир дуонинг сабабчисидир.

Диндор бўлган бемор ҳам, беморга қараган мўминлар ҳам бу дуодан фойдаланишлари керак.

ЎН САККИЗИНЧИ ДАВО

Эй шукрни ташлаб, шикоятга ўтган бемор!

Ҳақли инсон шикоят қила олади. Сенинг бирор ҳаққинг зое бўлмаганки, шикоят қиляпсан.

Аксинча, сенинг зиммангда кўплаб шукрларнинг ҳаққи бор, уларни қилмадинг.

Жаноби Ҳақнинг ҳаққини бермай туриб, ҳақсиз бир кўринишда ҳақ истаётгандек шикоят қилмоқдасан.

Сен ўзингдан юқори мартабалардаги соғлом кишиларга қараб шикоят қилолмайсан.

Аксинча, сен ўзингдан соғлиқ жиҳатидан паст даражаларда бўлган бечора беморларга қараб шукр қилишга буюрилгансан.

Қўлинг синган бўлса, кесилган қўлларга қара!

Бир кўзинг бўлмаса, иккала кўзи кўрларга қараб Аллоҳга шукр қил!

Ҳа, неъматда ўзидан юқорига қараб шикоят этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ҳар мусибатлининг ҳаққи эса ўзидан мусибати кўпроқ бўлганларга қараб, шукр қилишдир.

Бу сир баъзи рисолаларда бир мисол билан изоҳланган, қисқачаси шуки:

Бир зот бир бечорани бир минорага чиқаради.

Минора-нинг ҳар поғонасида биттадан турли хил эҳсон, биттадан ҳадя беради.

Миноранинг энг юқорисида эса энг катта бир ҳадяни тортиқ қилади.

Бу турли хил ҳадяларга жавобан ундан раҳмат ва миннатдорлик исталгани ҳолда, у тажанг одам ўша

поғоналарда кўрган ҳадяларни
унутиб ёки кам кўриб, шукр қилмай,
юқорига қараб,

«Кошки бу минора баландроқ
бўлсайди, янада юқорига чиқсайдим!

Нима учун у тоғ каби ёки нариги
минора каби жуда баланд эмас?»

деб шикоят қила бошласа, нақадар
нонкўрликдир, бир ҳақсизликдир!

Шунингдек, бир инсон йўқдан
вужудга келиб, тош бўлиб эмас,
дарахт бўлиб қолмай, ҳайвон бўлиб
эмас, инсон бўлиб, мусулмон бўлиб,
кўп вақт соғлиқ-саломатлик кўриб,
неъматнинг юксак бир даражасини
қозонгани ҳолда,

баъзи нуқсонлар етганда соғлиқ-саломатлик каби неъматларга лойиқ кўрилмагани учун ёки ихтиёрини суистеъмол қилиш билан қўлидан чиқаргани ёки қўли етишмагани учун шикоят этиш, сабрсизлик кўрсатиш, «Эҳ аттанг, нима қилдимки, бу иш бошимга келди?» дея Аллоҳнинг бошқарувини танқид қилишдек бир ҳолат моддий касалликдан мусибатлироқ бўлган маънавий бир касалликдир.

Синган қўл билан урушганда баттар бўлганидек, шикояти билан касаллигини кўпайтиради.

Оқил одам

الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمْ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ

оятига биноан, то у касаллик
вазифасини битириб кетгунгача
таслим бўл и б сабр қилади. ЎН

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАВО

Жамили Зулжалолнинг бутун
исмлари чиройли бўлгани учун «Асмо
ул-ҳусно» деган гўзал жумла билан
кўрсатади.

Мавжудот ичида Аллоҳнинг энг
латиф, энг гўзал, энг умумқамров
ойнаси бу ҳаётдир. Гўзалнинг ойнаси
гўзал бўлади.

Гўз а л н и н г гўзалликларини
кўрсатган ойна гўзаллашади.

Ойнанинг бошига у гўзалдан
нимаики келса, чиройли бўлганидек,

ҳаётнинг бошига ҳам нимаики келса,
ҳақиқат нуқтасида гўзалдир.

Ч у н к и гўзал бўлган нарса Асмо
ул-Ҳуснонинг гўзал нақшларини
кўрсатади.

Ҳаёт доимо соғлик-саломатликда
бир текис кечса, нуқсонли ойна
бўлади.

Бир жиҳатда йўқликни ҳис эттириб,
қийнайди.

Ҳаётнинг қадр-қийматини тушириб
умрнинг лаззатини қийинчиликка
айлант и р а д и .

Вақтим тез ўтсин деб сиқилишдан ё
гуноҳларга, ё бемаъни машғулотларга
берилади.

Қамоқ муддати каби қийматли умрига адоват қилиб, тезроқ ўлдириб тугатишни истайди.

Аммо ўзгариш ва ҳаракатда бўлиб, ҳар турли ҳолатлар ичида оқиб кетаётган ҳаёт эса қиймат и н и ҳис эттиради, умрнинг аҳамиятини ва лаззатини билдиради.

Машаққат ва мусибатда бўлса ҳам, умрнинг ўтишини истамайди.

« Э , қуёш ботмаяпти» ёки «тонг отмаяпти» дея сиқилиб, «Уф, уф!» демайди.

Ҳа, ниҳоятда бой, лекин ишсиз, истироҳат тўшагида ётган ва ҳар

нарсаси мукаммал бир жанобдан:
«Аҳволинг қандай?» деб сўранг.

Албатта, «Э, вақт ўтмаяпти, кел, бир
нарда ўйнайлик ёки вақ т н и
ўтказиш учун бир эрмак топамиз»
каби алам аралаш сўзларни ундан
эшитасан.

Ёки узундан-узун орзуларга
берилганликдан туғилувчи «Бу
нарсам кам, кошки шу ишни
қилсайдим» каби шикоятлар
эшитасан.

Энди сен бир мусибатли кишидан ёки
ишчидан ёки қийин ҳолга т у ш и б
қолган бир фақирдан:

«Қандайсан?» деб сўра. Ақли жойида
бўлса, айтадики:

«Шукрлар бўлсин Раббимга,
яхшиман, меҳнат қиляпман.

Кошки қуёш тез ботмасайди, бу ишни
ҳам битирсайдим! Вақт тез ўтяпти,
умр тўхтамай кетяпти.

Ҳозир заҳмат чекапман, лекин бу ҳам
ўтар кетар. Ҳар нарса шундай тез
ўтмоқда» дея,

у м р и маънан нақадар қийматли
эканини, унинг ўтаётганига
афсусланиш билан билдиради.

Демак, машаққат ва ҳаракат қилиш
билан умрнинг лаззатини ва ҳаётнинг
қийматини англайди.

Истироҳат ва соғлиқ эса аксинча,
умрни аччиқлаштирадики, тезроқ
ўтишини орзу этади.

Эй хаста қардош! Билгинки, мусибат ва ёмонликлар-нинг, ҳатто гуноҳларнинг асли ва асоси йўқликдир.

Йўқлик эса ёмонликдир, қоронғуликдир.

Бир текисда ўтувчи истироҳат, йиқилиш, сукунат, турғунлик каби ҳолатлар йўқликка яқин бўлганлиги учун инсонга йўқликда Г И қоронғуликни ҳис эттириб, юрагини сиқади.

Ҳаракат ва ўзгариш эса борликдир, борликни ҳис эттиради.

Борлик эса холис яхшиликдир, нурдир.

М о д о м и к и ҳақиқат шундай экан, сендаги касаллик қийматли ҳаётингни поклаш, кучайтириш, тараққий эттириш ва вужудингдаги бошқа инсоний аъзоларни ўша бемор аъзонинг атрофига ёрдамга тўплаш ҳамда Сонеъи Ҳакимнинг бошқа-бошқа исмларининг нақшларини кўрсатиш каб и кўп вазифалар учун сенинг вужудингга меҳмон қатори жўнатилган.

Иншааллоҳ, касаллик тезда вазифасини битириб кетади

ва саломатликка юзланиб шундай деб айтади: «Менинг ўрнимга энди сен кел ва доимий бўлиб қол,

вазифангни бажар. Энди бу уй сеники, омон бўл».

ЙИГИРМАНЧИ ДАВО

Эй дардига дармон излаётган бемор!

Касаллик икки хилдир: Бир қисми ҳақиқий, бир қисми ваҳималидир.

Ҳақиқий қисми шуки: Шофийи Ҳакими Зулжалол Ер юзи деган улкан дорихонасида ҳар дардга бир даवони тайёрлаб қўйган.

У даволар дардларни истайдилар. Яъни ҳар дардга бир дармон яратган.

Даволаниш учун дориларни олиш, истеъмол қилиш тўғри,

Лекин таъсирни ва шифони Жаноби Ҳақдан деб билмоқ керак.

Дармонни У берганидек, шифони ҳам У беради.

Мутахассис, диндор табибларнинг тавсияларига амал қилиш аҳамиятли бир доридир.

Чунки кўпчилик касалликлар нотўғри фойдаланишдан,

парҳезсизлик, исрофгарчилик, гуноҳ ишлар, бузуқчилик ва диққатсизликдан келиб чиқади.

Диндор табиб, албатта ҳалол бир доирада насиҳат қилиб, керакли тавсиялар б е р а д и .

Суиистеъмоллардан, исрофлардан қайтариб, тасалли беради.

Бемор ўша тавсия ва тасаллига амал қилса, касаллиги енгиллашади,

қийинчилик ўрнига бир енгиллик беради.

Аммо ваҳимали касаллик қисмининг эса энг таъсирли дориси аҳамият бермасликдир.

Аҳамият берилган сари у катталашиб шишади.

Аҳамият берилмаса, у кичрайиб, тарқаб кетади.

Ариларга ҳужум қилинса, улар тўпланиб инсоннинг бошини талайдилар, парво қилинмаса, тарқаб кетадилар.

Қоронғиликда хиёл тебраниб турган бир ипнинг кўринишидан пайдо бўлган хаёлга аҳамият берилса, ип

катталашади. Ҳатто, баъзан одамни даҳшатга солади.

Аҳамият бермаса, у оддий бир ип эканини, асло илон эмаслигини кўриб, фикридаги ваҳимасига кулади.

Бу ваҳимали касаллик кўп давом этса ҳақиқатга айланади.

Ваҳимачи ва асабий инсонларда бу ёмон бир касалликдир. Пашшадан фил ясайди, маънавий кучи синади.

Хусусан, марҳаматсиз чала табибларга ёки инсофсиз дўхтирларга дуч келса, ваҳималарини янада орттиради.

Бой бўлса пули кетади. Бўлмаса ё ақли ё соғлиғи кетади.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ДАВО

Эй хаста биродар!

Сенинг касаллигингда моддий алам бор. Лекин у моддий аламнинг таъсирини йўқ қиладиган аҳамиятли бир маънавий лаззат сени ўраб турибди.

Чунки ота-онанг ва яқинларинг бор бўлса, сен кўпдан бери унутиб қолган ниҳоятда лаззатли меҳр-муҳаббатлари сенинг атрофингда янгидан уйғонади, болалик вақтида кўрган ўша ширин назарларни яна кўрасан.

Шу билан бирга, кўплаб яшириниб қолган атрофингдаги дўстлар касалликнинг жозибаси билан яна сенга нисбатан муҳаббат билан

қарайдиларки, албатта сенинг бу моддий аламинг бундай муносабатлар олдида жуда арзимас бўлиб қолади.

Сен фахрланиб хизматини қилган ва кўнглини олишга уринган кишилар касаллигинг туфайли сенга марҳаматли хизматчи бўлишганидан, сен уларнинг хўжаларининг хўжаси бўлдинг.

Инсонлардаги одамзотга ачиниш ва раҳм-шафқат қилиш ҳиссини ўзингга тортганингдан, йўқ жойдан кўпгина ёрдамчи меҳрибон дўстларни топасан.

Машаққатли кўп хизматлардан озод бўлиш буйругини касаллик туфайли оласан-да, хордиқ чиқарасан.

Албатта, сенинг арзимас аламинг бу маънавий лаззатлар олдида сени шикоятга эмас, шукрга ундамоғи лозим.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ДАВО

Эй фалаж, шол каби оғир касалликларга мубтало бўлган биродар!

Аввало, сенга суюнчи, яъни хушхабар бераманки, мўмин учун фалаж касаллиги қутлуғ ҳисобланади.

Бунни кўпдан бери авлиёлардан эшитардим-у,

лекин сирини билмасдим. Бир ҳикмати қалбимга шундай келмоқда:

Аҳлуллоҳ (яъни, авлиёлар) Жаноби
Ҳаққа етишиш, дунёнинг улкан
маънавий таҳликаларидан қутулиш
ва абадий саодатга эришиш учун икки
асосни ўз ихтиёрлари билан
танлаганлар.

Бири: ўлим билан боғланишдир.
Яъни, дунё фоний бўлгани каби, ўзи
ҳам шу дунё ичида вазифадор фоний
бир меҳмон эканини ўйлаганлар ва
шу ҳолати билан абадий ҳаётларига
интиланлар.

Иккинчиси: ёмон нафс ва кўр
ҳиссиётнинг таҳликаларидан қутулиш
учун чилла ўтириш билан, риёзатлар
билан нафси амморани ўлдиришга
ҳаракат қилганлар.

Эй ярим вужудининг соғлиғини йўқотган биродар!

Сенга ихтиёрсиз, қисқа ва енгил,
саодатга сабаб бўлгувчи икки асос
берилганки,

доимо вужудининг вазиятини,
дунёнинг заволини ва инсоннинг
фоний эканини ёдингга солиб туради.

Бундан кейин дунё сени бўға
олмайди, ғафлат сенинг кўзингни
тўсолмайди.

Чалажон ҳолатидаги бир зотни нафси
аммора, разил ҳаваслар ва нафсоний
иштаҳа қўзғовчи нарсалар билан
алдай олмайди. Нафсининг бу
балосидан тез қутулади.

Хуллас, мўмин иймон сири,
таслимият ва таваккал билан фалаж
каби оғир касалликдан оз бир вақтда
авлиёларнинг чиллалари каби
фойдаланиши мумкин.

Шунда ўша оғир касаллик ниҳоятда
арзимас бўлиб қолади.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ДАВО

Эй кимсасиз, ғариб, бечора бемор!

Касаллигинг билан бирга ёлғизлик ва
ғурбат сенга нисбатан энг
тошбағирларнинг ҳам юрагини
юмшатса ва шафқат назарини жалб
этса,

ажабо, барча Қуръон суралари-нинг
бошида ўзини «Роҳманир Роҳийм»
сифати билан бизга тақдим этган;

шафқатининг бир шуъласи билан
умум гўдакларга нисбатан барча
волидаларни ул ажиб шафқати билан
тарбия эттирган;

ҳар баҳорда бир жилваи раҳмати
билан Ер юзини неъматлар билан
тўлдирган;

абადий ҳаётдаги жаннат бутун
гўзалликлари билан бир жилваи
раҳмати бўлган

Холиқи Раҳимингга сенинг иймон
билан боғланишинг ва Уни таниб,
касалликнинг ожизона тили билан
ёлворишинг,

албатта, сенинг бу кимсасиз
ғурбатдаги касаллигингда сенга
буларнинг ҳаммасининг ўрнини

босадиган Унинг раҳмат назарини жалб этади.

Модомики У бор ва сенга қараётган экан, сен учун ҳар нарса бор.

Асл ғурбат ва ёлғизликда қолганлар иймон ва таслимият билан Унга боғланмайдиган ёҳуд боғланишга аҳамият бермайдиганлардир.

ЙИГИРМА ТҶРТИНЧИ ДАВО

Эй бегуноҳ касал болаларга ва бегуноҳ болалардек бўлган кексаларга хизмат қилаётган касал боқувчилар!

Сизлар муҳим бир ухровий тижорат қаршисида турибсизлар. Завқу шавқ билан ғайратланиб бу тижоратни қозонинг!

Ҳақиқат аҳли исбот қилганки, бегуноҳ болаларнинг касалликлари у нозик вужудлар учун бир машқ, бир риёзат

ва келажакда дунёнинг изтиробларига бардош бера олиши учун бир эмлаш ва Раббоний тарбия бўлгани каби, боланинг дунёвий ҳаётига оид кўплаб ҳикматлари бор.

Айни чоғда, руҳий ҳаётига ва ҳаётининг покланишига ҳам сабаб бўлади. Катталардаги гуноҳларнинг кечирилиши ўрнига келажакда ёки охирада маънавий тараққиётига сабаб бўладиган эмлаш туридаги касалликлардан келган савоб

ота-онасининг амал дафтарига, айниқса, шафқат сирин билан

боланинг соғлиғини ўз соғлиғидан ҳам устун қўйгувчи онасининг амал дафтарига ёзилади.

Кексаларни парвариш қилиш эса улкан савоб олиш билан бирга, уларнинг, айниқса кекса ота-оналарнинг дуоларини олиш, қалбларини хушнуд этиш, уларга садоқат билан хизмат қилиш икки дунё саодатига сабаб бўлиши саҳиҳ ривоят ва кўплаб тарихий воқеалар билан исботлангандир.

Кекса ота-оналарга тўлиқ итоат қиладиган қобил фарзанд, ўз фарзандларидан ҳам айни муносабатни кўради.

Ноқобил фарзанд эса, агар ота-онасини ранжитса, охират азобидан

ташқари, дунёда ҳам кўп фалокатлар билан жазосини кўради.

Ҳаётда бундай ҳодисалар кўп содир бўлган. Ҳа, кексаларни, болаларни парвариш қилиш фақатгина қариндошлардан бўлсагина эмас, балки иймон аҳлидан бири уларга рўбарў келса (модомики иймон сирига кўра ҳақиқий биродарлик бор) муҳтарам бемор кекса унга муҳтож бўлса, жон-дили билан унга хизмат этиш Исломиятнинг талабидир.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ДАВО

Эй хаста биродарлар!

Сизлар ниҳоятда фойдали, ҳар дардга дармон бўладиган ҳақиқий, лаззатли ва муқаддас бир дори

истасангиз, у ҳолда иймонингизни кучайтиринглар.

Яъни, тавбаю истиғфор билан, намозу ибодатлар билан иймонни ва иймондан ҳосил бўлган маънавий дориларни истеъмол қилинглар.

Ҳа, дунёга муҳаббат билан боғланиб қолиш туфайли ғафлатда юрган инсонларнинг дунёчалик катта маънавий бир хаста вужуди бордир.

Иймон эса дунёчалик улкан йўқотиш ва ажралиш зарбаларидан яра-чақа ичида бўлган ўша маънавий вужудга тезда шифо бериб, яралардан қутқаради.

Бошингизни оғритмаслик учун гапни қисқа қиламан.

Иймон дориси эса фарзларни имкон қадар адо этиш билан ўз таъсирини кўрсатади.

Ғафлат, гуноҳлар, нафсоний ҳаваслар ва шариятга зид кўнгилхушликлар унинг таъсирини кесади.

Касаллик модомики ғафлатни йўқотиб, иштаҳани бўғиб ҳаром лаззатларга берилиб кетишга тўсиқ бўлар экан, ундан фойдаланиб қолинглар.

Ҳақиқий иймоннинг муқаддас дориларидан, нурларидан тавбаю истиғфор билан, дуою илтижолар билан фойдаланинглар.

Жаноби Ҳақ сизларга шифо берсин, касалликларингизни гуноҳларингизга каффорат қилсин. Омин, омин, омин!

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَيْنَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا
أَنْ هَدَيْنَا اللَّهُ لَقَدْ جَاءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِالْحَقِّ

سُبْحَانَكَ لَا عِلْمَ لَنَا إِلَّا مَا عَلَّمْتَنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ، طِبِّ الْقُلُوبِ وَدَوَائِهَا
وَ عَافِيَةِ الْأَبْدَانِ وَشِفَائِهَا وَنُورِ الْأَبْصَارِ وَضِيَائِهَا
وَ عَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ